



Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси

*А.Сулаймонов**

Таянч тушунчалар: илгари судланган, рецедив жиноятчи шахс, жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахс, ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар, ижтимоий руҳий-муҳит, жиноятнинг даражаси, тузилиши, динамикаси.

Аннотация. Мақолада Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар таҳлил қилинган ҳамда ушбу турдаги жиноятларни барвақт олдини олиш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Причины угона и угона автотранспортных средств и условия, позволяющие их совершать

Основные понятия: ранее судимый, преступник-рецидивист, причины преступности, криминальные, социальные и правовые факторы, социально-психологическая среда, уровень, структура, динамика преступности.

Аннотация. В статье анализируются причины и условия, способствующие совершению угона и угона автотранспортных средств, а также даны комментарии по вопросам ранней профилактики данного вида преступлений.

Жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва хотиржамликни таъминлашнинг имкониятлари ортиб бормоқда. Биргина видеокузатув тизимлари кўпайтирилгани жиноятларнинг олдини олишга ёки содир бўлган жиноятларни



“иссиқ изидан” очишга кўмаклашмоқда. Бироқ, афсуски, бу чора жиноятларга бутунлай барҳам берганича йўқ. Чунки ҳали-ҳамон авторанспорт воситаларини ўғирлаш жиноятларини содир этиш ҳолатлари бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигича қолмоқда.

Маълумки, авторанспорт воситаларини ўғирлаш ёки олиб қочишнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни кўриб чиқишда жиноят шахс ва атроф-муҳитнинг ўзаро боғлиқликда вужудга келаётганлигини кўриш мумкин. Жиноятчиликка таъсир қиладиган кўплаб омиллардан бири, бу биринчи навбатда, ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ бўлган ҳодиса ва жараёнларни ажратиб олиш ҳамда объектив ва субъектив омиллар таъсирида вужудга келишидир.

Криминология фанида жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари илмий жиҳатдан ўрганилади. Жиноятнинг сабаблари маълум бир объект, ҳодиса, жараёнларнинг кишилар онги, руҳиятига таъсир қилиши. Бундан ташқари, жиноятнинг сабаби фақатгина ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, воқеа ва жараёнларгина эмас, балки уларни белгилаб берувчи, улар билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий онг соҳасидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ҳам ҳисобланади¹.

Таҳлиллар ва ўрағнишларга кўра, қуйидагилар авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар сабаби бўлиши мумкин, жумладан:

- ўзи ва оиласини таъминлаш учун даромадининг етишмаслиги;
- ноқонуний бойишга интилиш;
- микромуҳитнинг таъсири;
- қонунга ҳурматсизлик билан қараш;

¹Шайбазян Л.Г. Правовые меры борьбы с угоном транспортных средств (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1997. – 22 с.



- бошланғич оилавий тарбиядаги нуқсонлар таъсирида ижтимоий фойдали меҳнатга нисбатан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш орқали турмуш кечиришга интилиш;

- муқаддам судланганлиги боис соғлом ижтимоий муносабатлардан ўзоқлашишнинг ижтимоий-руҳий оқибатлари;

- спиртли ичимликка ва наркотик моддаларга ружу қўйганлиги боис ушбу эҳтиёжларини ҳар қандай йўл билан қондириш истаги;

- кўп болали ва кам таъминланган оила аъзолари борлиги.

Илгари судланган шахслар томонидан авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар:

- носоғлом турмуш тарзини олиб бориш, жамоат ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга қизиқишнинг йўқолиши;

- ҳаётга мослашиш қобилиятинининг пасайиши;

- янги муносабатларга киришимлик, тушкунлик ва ўз-ўзинини ҳурмат қилиш ҳиссининг пасайиши;

- ахлоқ нормалари ва қадриятлар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга эмаслиги ёки ҳурмат қилмаслиги;

- турли касалликлар, спиртли ичимликка ружу қўйиш, гиёҳвандлик моддаларини истъемол қилиш каби ёмон одатлардан қутилмаганлиги;

- ижтимоий фойдали алоқаларининг йўқлиги, оиладан ажрашганлиги, яқин қариндошларининг йўқлиги (улар бўлсада ўзаро муносабатларнинг бузилганлиги);

- илгари судланган шахсга нисбатан иш берувчининг ишончсизлиги, қилган хизмати учун муносиб рағбатлантирилмаганлиги;



- уй-жойга эҳтиёжи мавжудлиги, яшаш жойи йўқлиги, кўплаб ҳаётий муҳим мунособатларни мустақил ҳал қилишдан маҳрум бўлганлиги².

Сабаблар ўз мазмунига кўра, ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, шароитлар эса иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолатлар ҳисобланади³. Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар сифатида инсоннинг ижтимоий муҳит ва психологик хусусиятига боғлиқ бўлган бир қатор омилларни ўз ичига олади. Ушбу турдаги жиноятнинг шароитлари – шундай ҳодиса ва жараёнларки, улар ўзича жиноятчиликни келтириб чиқармайди. Лекин, улар жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини тақозо қилувчи, ўсишини таъминловчи сабабларга таъсир қилиш ва кўмаклашиш билан уларнинг юз беришини таъминлайди⁴.

Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар – жиноятларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар мажмуи.

Криминологик жиҳатдан қараганда, қуйидагилар авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар бўлиши мумкин:

- мулкларнинг етарли даражада ҳимояланмаганлиги, фуқароларнинг ўз мулкани сақланишига бепарво ва лоқайд муносабатда бўлганлиги;

- кузатув камералари, ёритгич ва бошқа қўриқлов мосламаларининг ўрнатилмаганлиги ёки ишламаслиги ёки жойлашув периметрининг нотўғри танланганлиги;

²Бахарев А. В. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автотранспорта органами внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. -М.,2008. -24 с.

³Ким Е. Р. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автомобилей и иных транспортных средств: По материалам Дальневосточного региона: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2006. - 21 с.

⁴Колесников Р. В. Уголовно-правовые и криминологические аспекты борьбы с угонами и хищениями транспортных средств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. -М.,2011. -30 с.



- авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар яратилиши;
- ижтимоий ҳаёт тизимида кадриятларнинг ўзгариши;
- транспорт воситаларининг очик ёки қаровсиз қолдирилиши, яхши ҳимояланган қулф ва сигнализациялар билан жиҳозланмаганлиги;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарасиз фаолияти ва фуқароларнинг бунга нисбатан ишончининг пасайганлиги⁵.

Шу билан бирга, авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашда уларни келиб чиқишига айрим психологик омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу энг аввало, шахснинг атрофидаги ижтимоий муҳит, яъни ота-оналар ҳамда шахснинг дунёқараши, қизиқишлари, ён-атрофидаги кишилар ва оилага муносабати, ундаги салбий сифатларнинг шаклланиши ва кучайиши эса руҳий омилларга бориб тақалади⁶.

Шу асосда, жиноятчилик, шу жумладан авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш самарадорлигига эришиш учун авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишни содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг психологиясини ўрганиш мақсадга мувофиқдир⁷.

Жиноятчининг психологиясини таҳлил қилишда ҳуқуқбузарнинг хулқ-атворини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу асосда жиноятчига хос хусусият ҳамда шахснинг қонунни бузишга ундайдиган хулқ-атвор

⁵Мухитдинов А.А., Пулатов Ю. С. Организационно-тактические основы раскрытия краж и угонов транспортных средств / А. А. Мухитдинов, Ю.С. Пулатов. – Душанбе: «ЭР-граф», 2018. – 304 с.

⁶Веремченко В.М. Проблемы борьбы с противоправными посягательствами на автотранспортные средства и некоторые пути их решения / В.М. Веремченко // Вестник Владимирского УВД РФ. - 2002. - №1. - С.121

⁷Гусев О.Б. Уголовно-правовой анализ хищения предметов, имеющих особую ценность неправомерного завладения автомобилем и уничтожения или повреждения имущества по неосторожности / О.Б. Гусев, Б.Д. Завидов, М.И. Слюсаренко // Адвокат. - 2002. - №8. - С.33-34



комбинацияларини ҳам ўрганса бўлади⁸. Одатда, авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш учун ўзларининг ҳатти-ҳаракатларига етарли даражада баҳо бера олмайдилар⁹. Умумий қабул қилинган меъёрлар билан таққосланганда, улар қонунни бузаётганликларини биладилар, лекин ўз ҳаракатларини тўғри деб ўйлайдилар ва ўзларини оқлашга ҳаракат қиладилар, оқибатда улардаги айбдорлик ҳисси камаяди. Меҳнат орқали ҳаёт кечириш ҳамда ҳалоллик фазилатлари улар учун ёт ҳисобланади. Кўпинча ҳаёлларига келган жиноий режаларини тезлик билан амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Жиноятчилар ўз дунёларини барпо этишга ҳаракат қиладилар, унда маълум қоидалар ва одатларни ўрнатишга уринадилар. Ҳаётдаги асосий шиори: “Биз бундай эмасмиз - ҳаёт шундай” ҳисобланади.

Хусусан, авторанспорт воситаларини олиб қочишни содир этган ўғрилар энг мослашувчан хулқ-атворга ва паст даражадаги хавотирга эга тоифа ҳисобланади. Уларнинг тажовузкорлиги анча паст ва улар ўзларининг хатти-ҳаракатларини маълум даражада бошқара оладилар. Илгари содир этилган ғайриижтимоий ҳаракатлар учун ўз-ўзини айблаш улар учун ҳам камёб ҳолатдир.

Айрим ҳолларда, мазали овқатланиш, замонавий кийиниш ёки кўпроқ пул ишлаш истаги, яъни маишат қилишга интилиш ҳам ўғрилиқларга сабаб бўлади. Бундай тоифага кирувчилар жиноят содир этилганидан кейин пайдо бўладиган хавфни тўлиқ англайдилар. Бироқ, ундаги сақлаб қолиш инстинкти бу ҳаракатларни чекламайди¹⁰. У фақат ўзгани мулкини ўғирлаш мақсадида

⁸Белов В.А. Автомобиль как объект права собственности гражданина / В.А. Белов // Законодательство. - 1998. - NN11,12. - С.24-25,17

⁹Плохова В. Угон транспортных средств квалифицировать как хищение имущества / В. Плохова // Российская юстиция. - 2003. - N11. - С.23-24.

¹⁰Лоренц, Д. В. Угон и хищение транспортных средств: условия, причины и межотраслевые меры предупреждения в свете новой позиции Конституционного Суда РФ / Д. В. Лоренц // Всероссийский криминологический журнал. — 2017. — Т. 11. № 2. — С. 337—349.



кун кечиришни ва бойлик орттиришни ўйлайди. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни истамайди ва тобора кўпроқ ўғирлашни ҳамда имкон қадар тезроқ бойиб боришни истайди. Ўғрилик содир қилгани сари шахсдаги эйфория¹¹ кучайиб боради.

Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганишда ушбу жиноятларини содир этган шахснинг психологиясини ўрганишда ёш хусусиятлари ҳам катта аҳамиятга эга. Боиси, инсон ҳаётининг ҳар бир босқичи шахсий фазилатларнинг ривожланишидаги ўзига хосликлар билан кечиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишни содир этган ўғриларнинг ёш таркибида ўсмирлар ҳамда ёшларнинг, яъни 18 ёшдан 40 ёшгача бўлганларнинг улуши купчиликни ташкил қилмоқда. Бинобарин, жиноятлар содир этилиши организм физиологик имкониятларининг энг юқори кўтарилиш даври, билиш функциялари шаклланишининг тугалланмаганлиги, иродавий тартибга солиш ва режалаштириш жараёнлари таъсирида содир бўлади.

Мазкур жиноий қилмиш билан боғлиқ жиноят ишларининг таҳлили, жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олиш таклиф қилинган шахс, яъни харидор ушбу предмет қандай жиноий ҳаракатлар натижасида қўлга киритилганлигини талаб қилмай, асосий эътиборни мулкнинг арзонлигига қаратади ва шу сабабли уни тезда сотиб олишга уринади. Одатда, кўп ҳолларда уни таклиф қилаётган шахс ушбу мол-мулкни ўғрилаганини маълум қилмайди. Чунки бу маълумотнинг ошкор қилиниши унинг жиноий қилмиши фош бўлишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

¹¹Эйфория (юн. — яхши, — қабул қиламан) — ўз-ўзидан қувониш, димоғчоғлик. Атроф-муҳит ва ўзининг оғир ҳолатига мос тушмаган ҳолда бемор кайфиятининг кўтарилиб кетиши.



Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларини кўриб чиқишда ушбу жиноятларни олдини олиш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Жиноят содир этиш учун яратилган сабаб ва шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

2. Ўзининг жамиятга қарши ҳуққи билан шундай жиноятлар содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўриш;

3. Жиноятни ният қилган унга тайёрланаётган ҳамда жиноятга суиқасд ҳолатларини олдини олиш.

Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларини кўриб чиқишда ушбу жиноятларни олдини олиш тезкор қидирув, профилактика инспекторлари ширкат хўжаликларида, корхоналарда автотранспортларни ўғирлаш ва олиб қочишга қарши тадбирлар ҳақида гуруҳлар орасида ҳам алоҳида шахслар билан профилактика ишларини олиб борадилар.

Бу маълумотлар ҳажми объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади, умумлашади, тўпланади ва сақлаб қилинади.

Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни алоҳида ажратиб бериш мумкин.

1. Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш факти ва ҳолатлар аниқ бўлгани ҳолда, жиноятчи ушланган.

Ушбу вазиятда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: жиноят содир бўлган жойи, транспорт воситаси аниқланган жойи ва ўзини кўздан кечириш; гўмонланувчини ушлаш; гўмонланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни



сўроқ қилиш;гўмонланувчига таалукли бўлган маълумотлар йиғиш (тавсифнома,транспортга етказилган зарар бўйича, хайдовчи мастлик ҳолати ҳақида).

2. Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ваолиб қочиш факти ва ҳолати аниқ бўлган ҳолда, олиб кочилган транспорт воситаси топилган, аммо олиб кочган шахс аниқланмаган.

Бу ўхшаш тергов вазияти кўп учрайди, ва унда кўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:ҳодиса содир бўлган жой, транспорт воситаси топилган жой ва транспорт восита кўздан кечирилади;жабрланувчи ва гувоҳлар сўроқ қилинади; терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларига гўмонланувчини ушлашга қаратилган тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш топширилади, ва х.з.

3. Авторанспорт воситаларини ўғирлаш ваолиб қочиш факти ва ҳолати аниқ бўлган ҳолда, транспорт воситасининг қаердалиги ва жиноятчи шахси аниқланмаган.

Бу вазиятда факта ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилади, жабрланувчи, гувоҳлар сўроқ қилинади, транспорт воситани ва жиноятчини аниқлашга ва топишга қаратилган тезкор-қидирув чоралари амалга оширилади.

Жиноят содир этилган жойни кўздан кечиришда терговчи, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга ва ҳаракатларни амалга оширишга умумий раҳбарликни амалга оширади. Жиноятқидирувҳодимлари, эксперт криминалист, мутхассис, кинолог итибиланкўзданкечириштерговҳаракатиниамалгаоширади¹².

¹²Кульмашев Ф.Х. Расследование угонов автотранспортных средств / Ф.Х. Кульмашев. Изд-во Просвещение. - Волгоград, 2003. – 298с.



Агар транспорт

воситаси очиктўхташ жойиданолиб қочилган бўлса жиноятчи оёқкийими изларин и ойна синиклари, қўшимча қулфлар қисмларини топишга, аниқлашга эътибор қилиш лозим.

Транспорт

воситаси ёпиқ жойданолиб қочилган бўлса,

бу биноларни эшикларива қулфлари бузишга хосизларни қидириш лозим,

олиб қочилган транспорт воситаси топилган ҳолатда у топилган жойқудан кечирилади, у ерда жиноятчи оёқизлари, папрос қолдиқлари у қолдирилган ёқий у қотган буюмлари бўлиши мумкин.

Транспорт воситасини қўздан кечирилганда аниқлашга қаратилиши лозим.

Автомобил транспортларни ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларини содир этиш яратилган шароитлар қуйидагилардан иборат: автомобил транспортларни ўғирлаш ва олиб қочишга қарши ҳимоя воситаларини йўқлиги ёки мукамал эмаслиги; автомобил транспорт воситаларини узок муддатга кўчаларда, ховлиларда, подёзларда айниқса кечки ва тунги вақтларда қаровсиз қолдириб кетилиши; гаражларда қўриқлаш сигнализацияси йўқлиги; автомобил транспорт воситаларини пулли турар жойларида, автомобил транспортни сақлашда у ердаги ҳодимларнинг моддий жавобгарлиги йўқлиги; аҳолининг ҳамда корхона, ташкилотларни автомобил транспорт эҳтиёт қисмлари билан етарли таъминланмаганлиги; автомобил транспорт ўғирлигига ва олиб қочишга ички ишлар органлари бўлимларининг аниқ ҳамкорлиги етарли эмаслиги.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ички ишлар органларининг автомобил транспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш борасида фуқаролар, мансабдор шахсларнинг хатлари, аризалари, шикоятлари ва таклифларини текшириш ва ўрганиш орқили маъмурий ҳудудларда криминоген вазиятни доимий равишда



ўрганиш

ва назорат қилиб бориш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайбазян Л.Г. Правовые меры борьбы с угоном транспортных средств (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1997. – 22 с.
2. Бахарев А. В. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автотранспорта органами внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. -М.,2008. -24 с.
3. Ким Е. Р. Криминологическая характеристика и предупреждение краж и угонов автомобилей и иных транспортных средств: По материалам Дальневосточного региона: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2006. - 21 с.
4. Колесников Р. В. Уголовно-правовые и криминологические аспекты борьбы с угонами и хищениями транспортных средств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. -М.,2011. -30 с.
5. Мухитдинов А.А., Пулатов Ю. С. Организационно-тактические основы раскрытия краж и угонов транспортных средств / А. А. Мухитдинов, Ю.С. Пулатов. – Душанбе: «ЭР-граф», 2018. – 304 с.
6. Веретенко В.М. Проблемы борьбы с противоправными посягательствами на автотранспортные средства и некоторые пути их решения / В.М. Веретенко // Вестник Владимирского УВД РФ. - 2002. - №1. - С.121
7. Гусев О.Б. Уголовно-правовой анализ хищения предметов, имеющих особую ценность неправомерного завладения автомобилем и уничтожения или повреждения имущества по неосторожности / О.Б.



- Гусев, Б.Д. Завидов, М.И. Слюсаренко // Адвокат. - 2002. - N8. - С.33-34
8. 1Белов В.А. Автомобиль как объект права собственности гражданина / В.А. Белов // Законодательство. - 1998. - NN11,12. - С.24-25,17
9. 1Плохова В. Угон транспортных средств квалифицировать как хищение имущества / В. Плохова // Российская юстиция. - 2003. - N11. - С.23-24.
- 10.1Лоренц, Д. В. Угон и хищение транспортных средств: условия, причины и межотраслевые меры предупреждения в свете новой позиции Конституционного Суда РФ / Д. В. Лоренц // Всероссийский криминологический журнал. — 2017. — Т. 11. № 2. — С. 337—349.
- 11.1Эйфория (юн. — яхши, — қабул қиламан) — ўз-ўзидан қувониш, димоғчоғлик. Атроф-муҳит ва ўзининг оғир ҳолатига мос тушмаган ҳолда бемор кайфиятининг кўтарилиб кетиши.